

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
П А С П О Р Т И**

Самарқанд - 2021

Самарқанд Давлат университети

1. Университет ҳақида умумий маълумот.

Самарқанд Давлат университети тарихи мамлакатимиз ҳудудида IX асрларданок пайдо бўла бошлаган мадрасалар ҳамда буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек асос солган мадрасаи олия илдизларига бориб тақалади. Самарқанддаги Қадимий олий таълим муассасаси – Мирзо Улуғбек асос солган ва 1420 йилда ишга туширилган мадрасаи олия XX асрнинг 20-йилларигача фаолият кўрсатган бўлса, Самарқанд Давлат университети эса 20-йилларнинг иккинчи ярмидан ўз фаолиятини бошлаган.

1926 йилнинг 10 августида Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгаши мажлисининг 103-баённомаси билан Самарқандда олий ўқув юрти ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Олий педагогика институти номи билан ташкил этилган ҳозирги Самарқанд Давлат университети 1927 йил 22 январда тантанали равишда очилган. Олий педагогика институти 1930 йил 22 январдан эътиборан Ўзбекистон Давлат педагогика академияси деб номланган ва қайта ташкил этилиши муносабати билан факультет тизимига ўтилган. 1941 йилнинг март ойида педакадемия қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон Давлат университети (ЎзДУ) деб номланган ва Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейи муносабати билан университетга унинг номи берилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941 йилнинг ноябрь ойидан 1944 йилнинг октябригача) ЎзДУ Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) таркибида ўз фаолиятини олиб борди ва Ўзбекистон ҳукуматининг 1944 йил 25 февралдаги қарори билан қайта тикланган. Ўзбекистон Ҳукуматининг 1960 йил май ойидаги қарори билан ЎзДУга Самарқанд Давлат университети (СамДУ) номи берилган.

2. Раҳбарлар таркиби ҳақида маълумот.

Ректор - Халмурадов Рустам Ибрагимович.

1949 йилнинг 16 августида Самарқанд шаҳрида туғилган, техника фанлари доктори, профессор.

Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтини битирган, муҳандис-қурувчи.

Ректор лавозимида **2016** йилнинг **29** сентябридан бошлаб ишлаб келмоқда.

Ўқув ишлари бўйича проректор – Солеев Ахмаджон.

1951 йилнинг 1 июнида Самарқанд шаҳрида туғилган.

Физика-математика фанлари доктори, профессор.

Самарқанд Давлат университетини битирган, математик.

Проректор лавозимида **2017** йилнинг **11** сентябридан бошлаб ишлаб келмоқда.

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор – Айматов Аминжон Қудратович.

1984 йилнинг 21 мартда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг тарих факультети фалсафа йўналишини битирган, Фалсафа фанлари доктори, доцент.

Проректор лавозимида **2020** йилнинг **15** сентябридан ишлаб келмоқда.

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор – Хушвақтов
Ҳаким Абдилҳақович.

1972 йилнинг **28** мартда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган.

Самарқанд Давлат университетини битирган, физик.

Физика-математика фанлари номзоди, доцент.

Проректор лавозимида **2017** йилнинг **29** декабридан бошлаб ишлаб келмоқда.

Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор – Раҳманов Исмаил
Усманович.

1967 йилнинг **15** майида Самарқанд вилоятида туғилган.

Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини битирган, қурувчи-муҳандис, молиячи.

Проректор лавозимда **2017** йилнинг **12** сентябридан бошлаб ишлаб келмоқда.

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор – Насиров Мухтор Ғаффарович.

1960 йилнинг **21** мартда Самарқанд шаҳрида туғилган.

Самарқанд Давлат университетини битирган, биолог.

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Проректор лавозимда **2017** йилнинг **29** декабридан бошлаб ишлаб келмоқда.

3. Университет факультетлари ва кафедралари тузилмаси:

Факультетлар сони 18 та, кафедралар сони 70 та.

1. Рақамли технологиялар факультети.
2. Математика факультети.
3. Физика факультети.
4. Биология факультети.
5. Кимё факультети.
6. География ва экология факультети.
7. Психология ва ижтимоий фанлар факультети.
8. Инсон ресурсларини бошқариш факультети.
9. Мактабгача таълим факультети.
10. Педагогика факультети.
11. Тарих факультети.
12. Жисмоний маданият факультети.
13. Рус филологияси факультети.
14. Филология факультети.
15. Санъатшунослик факультети.
16. Халқаро қўшма таълим дастурлари факультети.
17. Юридик факультети.
18. Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети.
19. Сиртки (махсус сиртки) бўлими.
20. Тайёрлов маркази.
21. СамДУ ҳузуридаги академик лицей.

22. СамДУ ҳузуридаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб.

23. СамДУ ҳузуридаги Гулобод агроботиотехнология техникуми.

24. СамДУ ҳузуридаги Жомбой рақамли технологиялар техникуми.

4. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари.

- бакалаврият таълим йўналишлари сони 76, талабалари сони 23687;

- магистратура мутахассисликлари сони 55, талабалари сони 907.

5. Кадрлар тайёрлаш билим соҳалари бўйича.

- таълим ва гуманитар соҳаси ва талабалар сони – **20688 (84,12 %)**;

- ижтимоий фанлар, бизнес, ҳуқуқ ва талабалар сони – **2106 (8,56 %)**;

- хизмат соҳаси ва талабалар сони – **475 (1,93 %)**;

- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот талабалар сони – **258 (1,05 %)**;

- ишлаб чиқариш ва техника талабалар сони – **760 (3,09 %)**;

- қишлоқ ва сув соҳаси талабалар сони – **307 (1,25 %)**;

(Изоҳ: талабалар фоизи мазкур билим соҳаси бўйича умумий талабалар контингентига нисбатан олинди).

6. Талабалар контингенти.

Жами -**24594 та** (шу жумладан аёллар **12097 та (49,2%)**).

Улардан кундузги бўлимда ўқиётганлар **14711 та (59,8%)**.

Улардан махсус сиртки бўлимда ўқиётганлар **1086 та (4,4%)**.

Улардан сиртки бўлимда ўқиётганлар **5408 та (21,9%)**.

Улардан кечки бўлимда ўқиётганлар **1018 та (4,13%)**.

Улардан иккинчи олий таълимда ўқиётганлар **18 та (0,07%)**.

Улардан сиртки (иккинчи олий таълим) бўлимда ўқиётганлар **1150 та (4,8%)**.

Улардан халқаро таълим дастурлари факультетида ўқиётганлар **296 та (1,2%)**.

Бакалавриятда **23687 та (96,3 %)**, магистратурада **907 та (3,7 %)**.

(Шу жумладан, давлат гранти бўйича бакалавриятда **3127 та (13,2%)**, шу жумладан давлат гранти бўйича сиртки бўлимда **53 та (0,22%)**, шу жумладан давлат гранти бўйича кечки бўлимда **3 та (0,01%)**, магистратурада **412 (45,4%)**).

Талабалар контингенти ўқитиш тиллари кесимида:

- ўзбек тилида **21430 нафар (87,1%)**;

- рус тилида **2607 нафар (10,6%)**;

- тожик тилида **557 нафар (2,3%)**;

Бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар **3359 нафар (13,7%)**.

Чет эллик талабалар сони **16** (шу жумладан хорижий давлатлар кесимида:

Корея Республикаси - 1 нафар, Тожикистон - 5 нафар, Россия Федерациясидан - 5 нафар, Туркменистон - 3 нафар, Афғонистон - 4 нафар).

Охирги ўқув йилида **1879 нафар** бакалавр, **236 нафар** магистр битирди (шу жумладан, давлат гранти бўйича бакалавриятда - **584 нафар (31,1%)**, магистратурада - **71 нафар (30,1 %)**).

2020/2021 ўқув йилида бакалавриатурага **5292 нафар** талаба, **2140 нафар** сиртки, **434 нафар** кечки, **513 нафар** талаба магистратурага қабул қилинди (шу

жумладан давлат гранти бўйича бакалавриятга – **1132 нафар (21,4%)**, сиртқиға - **30 нафар (1,4%)**, кечкиға - **3 нафар (0,7%)**, магистратураға - **193 нафар (37,6 %)**).

Халқаро таълим дастурлари факультетига **174 нафар** талаба қабул қилинди.

Сиртқи иккинчи мутахассисликка тўлов-шартнома асосида **380 нафар** қабул қилинди.

Махсус сиртқи бўлим бўйича **0** бакалавриятга қабул қилинди (шу жумладан, давлат гранти бўйича - **0**, тўлов-шартнома бўйича - **0**).

Сиртқиға тўлов-шартнома асосида **2110** нафар.

Кечки таълим шаклиға тўлов-шартнома асосида **431** нафар

Бакалавриятда таълим олаётган талабалар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби **1** нафар.

Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби **1** нафар.

Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси соҳиби **1** нафар.

Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби **3** нафар.

Халқаро мусобақалар совриндорлари соҳиби **38** нафар.

Республика спорт мусобақалари совриндорлари **150** нафар.

Вилоят фан олимпиадалари ғолиблари **12** нафар.

Кўрик-танловлар ғолиблари **3** нафар.

Магистратурада таълим олаётган талабалар

1 нафар талаба Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори, 2019 йилда “Инновацион ғоялар етакчиси“ кўкрак нишони соҳиби.

1 нафар талаба Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори, 2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси совриндори.

Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби **7** нафар.

Улуғбек номидаги Давлат стипендияси соҳиби **1** нафар.

Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби **1** нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби **1** нафар.

Халқаро спорт мусобақалар совриндорлари соҳиби **3** нафар.

Кўрик-танловлар ғолиблари **2** нафар.

7. Профессор-ўқитувчилар таркиби.

Жами **915** нафар (шу жумладан хотин-қизлар **291** нафар (**31,8 %**)).

Университет бўйича илмий даражали (унвонли)лар сони **493** нафар (**54,0 %**) (асосий штатдаги ўқитувчилар сонига нисбатан ҳисобланади).

Улардан:

асосий штатда – **915** нафар;

- **105 нафар (11,5 %)** фан доктори, профессор;

- **388 нафар (42,4 %)** фан номзоди, доцент;

- **72 нафар (7,9 %)** катта ўқитувчи;

- **350 нафар (38,2 %)** ассистент;

- ўриндошлик асосида ишлаётганлар – **136** нафар;

- соатбай ишлаётганлар – **110** нафар;

8. Университетда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳолати.

Охирги 3 йилда малакасини оширган профессор-ўқитувчилар **638 нафар (67,2%)**;

9. 2020 йил давомидаги илмий ва ўқув-услубий ишлар натижалари.

Чоп этилган: 1113 та илмий мақола (улардан **700** таси чет элда);

50 та монография;

123 та ўқув қўлланма

37 та дарслик;

308 та ўқув-услубий мажмуа тайёрланган, олдиндан мавжуд фанлардан ўқув услубий мажмуалар **1600** дан ортиқ тўлдирилган;

Охирги 3 йилда ҳимоя қилган университет ходимлари сони (2018 йилда 47 нафар, 2019 йилда 56 нафар, 2020 йилда 59 нафар,).

10. Халқаро ҳамкорлик

Университет Ўзбекистон Республикаси олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳаларида халқаро ҳамкорлик бўйича қуйидаги тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга:

- университет Кенгашининг қарорига биноан хорижий давлатларнинг тегишли олий таълим муассаслари ва ташкилотлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик тўғрисида келишув шартномалар, икки томонлама диплом бериш тўғрисидаги келишувлар тузиш, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорликда факультет ва филаллар ташкил этиш;

- хорижий талабалар, илмий тадқиқотчилар, педагогик ва илмий ходимлар билан икки томонлама алмашиш дастурларида иштирок этиш ҳамда таълим йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилиш;

- университет педагогик ва илмий ходимларнинг ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб боришларида кўмаклашиш, шунингдек, халқаро конференция, симпозиумлар, семинар тренинглар ва бошқа илмий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

- хорижий юридик шахсларнинг буюртмалари бўйича фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотларни, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишда кўмаклашиш;

- олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш халқаро дастурларида иштирок этиш.

- университет факультет илмий ходилари билан ҳамкорликда жаҳоннинг халқаро жамғармалари ва ташкилотлари маблағлари ва инвестицияларини жалб этиш, хорижий давлат олий таълим муассаслари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда кўшма лойиҳалар тайёрлашда кўмак кўрсатиш;

- хорижий олий таълим муассаслари профессор-ўқитувчиларини ва илмий ходимларини университетда маърузалар, семинар-тренинглар ўтказиш учун таклиф этиш.

11. Университет моддий-техник базаси.

Ўқув-лаборатория хоналарининг умумий майдони **23972** кв.м.

Бир талабага тўғри келадиган фойдали майдон **2.2** кв.м.

Ўқув аудиториялари сони **344**, (бу ўқув жараёнини фақат **2** сменада олиб боришга етарли).

Лаборатория хоналари 61 та, лингафон синфлари 2 та, (лаборатория жихозлари билан таъминланганлик 92%).

Компьютер синфлари сони 27, компьютерлар сони 1485, 8 нафар талабага 1 компьютер тўғри келади. Интернетга уланган компьютерлар сони 1050. Техник носоз ва маънавий эскирган компьютерлар сони 53.

Талабалар турар жойлари сони 6, ўринлар сони 1560 (турар жойга эҳтиёжмандлар 3860 нафар, улардан 1149 нафари хотин-қизларни ташкил этади). Шунингдек, 1789 нафар талаба хусусий хонадонларда ижарада яшайди.

Талабалар учун овқатланиш мажмуалари: ошхоналар сони 8 та (1000 та ўринга эга); буфетлар сони 1 та (110 та ўринга эга).

Спорт мажмуалари: ёпиқ заллар сони 4 та, очик майдонлар сони 2 та.

12. Молиявий масалалар.

Ажратилган бюджет **52988,0** млн. сўм. Бюджетдан ташқари маблағлар **160685,8** млн.сўм. Инвестиция **0,0** млн.сўм. Чет эл инвестицияси **0** АҚШ доллари. Ҳомийлик ёрдами **276** млн. сўм.

2020 йилда ўқув жараёни учун сарфланган харажатларнинг умумий ҳажми **5 580 600** минг сўм (шу жумладан ахборот ресурс маркази жамғармасини янгилаш учун **90 000,0** минг сўм; ўқув лаборатория жихозлари учун **1 740 200** минг сўм, компьютерлар харид қилиш учун **1 764 400** минг сўм; мебел олиш учун **1 873 700** минг сўм; Интернет хизматларига тўлов **112 300,0** минг сўм ва бошқалар).



Ректор



Р.И.Халмуратов